

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH

# Journal of Culture and Art

КУЛТУРА И ИСКУССТВО  
МАДАНИЈАТ ВА САЊАТ

| 2024

ISSN: 2181-4562



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

 **IMFAKTOR**  
*Science driven pages*

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-3

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2024

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2024-3>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал  
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол  
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим  
Козимович  
Ходжаметова Гулчира  
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни  
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус  
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих  
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов  
Фахриддин  
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз  
Турабович  
Умаров Мамур  
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна  
нутқи” кафедраси доценти

Худоев Ғани  
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси  
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Бердиханова Шахида  
Нурлыбаевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси” кафедраси  
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон  
Раимқулович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”  
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Суннатиллаев Асатилло  
Суннатович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта  
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Алланбаев Рудакий  
Оринбаевич  
Зиявутдинова Зулфия  
Усеиновна  
Раимова Дилфузахон  
Махаммадсолиевна  
Ботирова Хилола  
Турсунбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-  
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил  
изланувчи (PhD)

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”  
медали соҳиби, профессор в.в.б

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

*“Маданият ва санъат”* журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2024 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**ТЎРАЕВ Маъмур Жўракул ўғли***Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**доценти*<https://doi.org/10.5281/zenodo.10820610>

## МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ТРЕНИНГ МАШҚЛАРИ ВА ОВОЗНИНГ АҲАМИЯТИ

### АННОТАЦИЯ

Актёрлар учун муҳим фанларда бири бу актёрлик маҳорати. Бу фанда талабалар актёрликнинг муҳим унсурларини эгаллай бошлайди. Актёрлик касбини танлаган ҳар бир талабалар албатта тренинг машқлари билан 1-курсдан бошлаб ишлаш муҳим ва фойдалидир. Актёрлик маҳорати фанининг ўзагини ташкил этувчи актёрлик тренинги машқларини ўз ичига олади. Актёр ижодини диққат унсурисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки диққат элементи ҳақида гапирганда ҳатти-ҳаракатнинг бошланганлиги назарда тутилади. Мазкур мақолада мусиқали театр актёрларининг мусиқий тренинг машқлар ва овоз устида ишлаши ҳақида боради.

**Калит сўзлар:** актёр, овоз, спектакл, маҳорат, диққат, ҳаракат, ижро, машқ, тренинг, фараз, товуш.

## ТРЕНИРОВОЧНЫЕ УПРАЖНЕНИЯ И ЗНАЧЕНИЕ ГОЛОСА В РАБОТЕ С АКТЕРАМИ МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА

### АННОТАЦИЯ

Одним из важных предметов для актеров является актерское мастерство. По этому предмету учащиеся начинают осваивать важные элементы искусства. Каждому студенту, выбирающему актерскую профессию, важно и полезно работать с учебными упражнениями с 1-го курса. Обучение актерскому мастерству включает в себя упражнения, составляющие основу науки актерского мастерства. Работу актера невозможно представить без элемента внимания. Потому что, когда мы говорим об элементе внимания, мы имеем в виду начало действия. В данной статье речь пойдет об упражнениях по музыкальной подготовке и озвучке актеров музыкального театра.

**Ключевые слова:** актер, голос, спектакль, умение, фокус, действие, спектакль, упражнение, тренировка, предположение, звук.

## TRAINING EXERCISES AND THE IMPORTANCE OF VOICE IN WORKING WITH MUSICAL THEATER ACTORS

### ANNOTATION

One of the important subjects for actors is acting skills. In this subject, students begin to master the important elements of art. It is important and useful for every student who chooses the acting profession to work with training exercises from the 1st year. Acting training includes exercises that form the core of the science of acting. An actor's work cannot be imagined without the element of attention. Because when we talk about the element of attention, we mean the beginning of the action. This article focuses on musical training exercises and voice work for musical theater actors.

**Key words:** actor, voice, performance, skill, focus, action, performance, exercise, training, assumption, sound.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига биринчи бор келган талаба, катта иштиёқ, юрагида ўт билан буюк актёр бўлиш ниятида кириб келади. Улардаги мана шу қизиқишни сўндирмаслик керак. Бунинг учун эса ўқитувчидан катта маъсулият, маҳорат талаб этилади. Хўш ўқитувчи бунинг учун нималар қилиши зарур? Педагогнинг энг биринчи вазифаси ўқув жараёнининг биринчи кунидан талабаларга фанга бўлган қизиқишини уйғотиш зарур. Актёрлар учун муҳим фанларда бири бу актёрлик маҳорати. Бу фанда талабалар актёрликнинг муҳим унсурларини эгаллай бошлайди. Мусиқали театр актёрлари биринчи ўринда мусиқий тренинглар устида ишлай бошлайдилар.

Биринчи машғулотларда талабалар актёрлик маҳоратини эгаллашда “диққат” унсури билан танишади.

Бошланғич қадамлар сифатида оддий машқлардан фойдаланилади. Масалан кичик, ўрта, катта диққат доиралари ҳақидаги назарий тушунчага эга бўлгандан сўнг, бутун курс талабалари диққат билан ўзининг атрофида бўлаётган товушларни илғаб олишга ҳаракат қилади. Талабалар кўзларини юмган ҳолатда диққатни ишга туширадилар. Хар бири ўз ён атрофида бўлаётган товуш, шовқин ва бошқа ўзгаришларни биринчи навбатда яхшилаб эшитадилар сўнгра сўзлаб беради. Хар бир заррача, кўз, қулоқ илғамайдиган товуш ёки ўзгаришларни сўзлаб берган талаба диққати, яхши тарбияланган, чархланган бўлади. Бу – кичик диққат доираси деб аталади. Ўрта диққат доираси – устахонада, коридорда, бошқа хоналарда бўлаётган шовқинни эшитишга киришади. Сўнг бирма-бир изохлашга киришадилар. Кимдир хонада пашша учаётганини айтади. Кимдир коридорда қадам товушларини эшитганлигини, яна бошқаси овозлар эшитганини сўзлаб беради [1].


*Диққат тушунчаси* – Мусиқали театр актёрлиги маҳорати сирларини ўрганиш ҳам худди драматик театр актёрлиги маҳоратини эгаллаш сингари, унинг алифбоси бўлмиш актёрлик техникаси, унинг ўзаги бўлмиш *диққат, баҳолаш, ҳатти-ҳаракат қилиш* каби унсурларни қайта ўрганиб чиқишдан ва эгаллашдан бошланади. *Диққат* ушбу унсурларнинг энг аввалидан жой олади. К.С. Станиславский таъбири билан айтганда, сахнада диққатни жамлай билиш, уни бирор объектга йўналтира олиш мақсад йўлида қилинадиган ҳатти-ҳаракат жараёнини ўзлаштириш демакдир.

Актёр ижодини диққат унсурисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки диққат элементи ҳақида гапирганда ҳатти-ҳаракатнинг бошланганлиги назарда тутилади. Бунга эришиш учун сахнада ҳамма нарсани бошидан, яъни, ўтириш, туриш, юриш, эшитиш ва кўриш каби вазифаларни бажаришни янгидан бошлаб ўрганади.

Агар талабани сахнага чиқариб, деразага қаранг, деб топширик берсангиз у ҳеч нарса қилмасдан, кўпчилик уни кузатаётганлигидан қандайдир ноқулайлик сезиб, деразага шунчаки қараб тураверади.

Аслида ҳеч нарсани кўрмайди. Агар сиз талабага дераза ойналари қандай тозами, кирми, дераза роми ранги, катта ёки кичиклиги ҳақида аниқлаб беришни сўрасангиз, у бу топшириқни ихтиёрий фаол амалга оширади. У энди деразага шунчаки қараб турмайди, олдига қўйилган вазифадан келиб чиқиб, диққат билан уни ўрганади, тахминларни чамалаб кўради, яъни, фикрлай бошлайди [2].


Диққат ўз табиатига кўра икки хил бўлади:



*Беихтиёрий диққат*, ўз характериға кўра сууст бўлади яъни фаол эмас. Мисл учун: Фараз қилинг сиз ҳовлиға чиқиб, дарахт тағида ўрнатилган скамейкаға ўтирдингиз. Гўё ҳеч нарсани ўйламаётгандай, дам олаётгандексиз. Аслида диққатингизни турли-хил нарсалар ўзига торта бошлайди: ҳовлида копток тепаётган болалар, дарахт шохидан тўкилаётган барглар, машинанинг қаттиқ чалинган сигнали ва ҳоказо нарсалар ҳар лаҳзада сизнинг диққатингизни банд этади ва улар янгилари билан алмашиниб туради.

*Ихтиёрий диққат* эса инсон онғида содир бўлаётган жараён билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам ўз характериға кўра фаоллик касб этади. Айтайлик, юқоридаги манзарада копток тепаётган болаларнинг бири ўзининг чаққон ва жуда чиройли ҳаракатлари билан сизни қизиқтириб кўйди. Энди сиз уни даққат билан кузата бошлайсиз, яна шундай ҳаракатлар билан дарвозаға тўп киритишини пойлайсиз, унинг машҳур футболчилар сингари чаққон ва тезкор ҳаракатларига маҳлиё бўласиз, келажағини оз бўлсада тасаввур ҳам қилиб кўрасиз. Объект сизнинг фикрингиздан жой олади.

Диққат объектлари ўз характериға кўра икки йўналишға бўдинади.



Ташқи диққат объектларига - актёрнинг атрофидаги жиҳозлар, буюмлар, жамики моддият, жонли ва жонсиз нарсалар ва товушлар қиради [3].

Ички диққат объектларига - актёрнинг очлик, чанқоқ, оғриқни ҳис қилиши, тасаввур ва фантазия ёрдамида шаклланган тимсоллар, ўй- фикри ва ҳис –туйғулари, хаёлан ўз эътиборини маълум бир манзарага, ширин ёки аччиқ хотирага, мушоҳадага йўналтира билиш қобилиятлари киради.

Созанда, ашулачи, рассом тинимсиз равишда машқ қилиб турмаса ўз маҳорати ва қобилиятдан ажралиб қолиши мумкинлигини яхши билади. Худди шундай актёр ҳам тинимсиз машқ қилиб туриши талаб қилинади. Бу машғулот ва машқлар орасида диққат биринчи ўринда туради.

Актёрлик касбини танлаган ҳар бир талабалар албатта тренинг машқлари билан 1-курсдан бошлаб ишлаш муҳим ва фойдалидир. Актёрлик маҳорати фанининг ўзагини ташкил этувчи актёрлик тренинги машқларини ўз ичига олади. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, ушбу машқларнинг кўплари соҳанинг етук мутахассислари, машҳур режиссёр ва устозлар: М.Уйғур, Е.Бобожонов, Р.Хамраев, А.О.Гинзбург, И.В.Радун, М.Н.Рубенштейн, Н.И.Тимофеева, Т.Хўжаев, Т.Исроилов, О.Абдураззоқов, Н.П.Никифорова, Х.М.Кожевниковларнинг педагогик тажрибаларида қайд этилган.

Машқлар асосан актёрлик маҳоратининг бошланғич асосларини ташкил этувчи ижодий психотехника элементларидан иборат. Ўқитувчи, биринчи навбатда ҳар бир талабанинг ижодий шахсий хусусиятлари билан танишиши керак. Актёрлик маҳорати педагогининг вазифаси талабанинг имкониятини ҳисобга олиб, унинг қобилиятини очиши лозим. Талаба эса, актёрлик ижодининг муҳим шарт–шароитлари орқали ўз устида ишлаши, ўзини жамоада ҳис қилиши, ўзаро ижодий боғлиқликни сезиши, театр санъатида инсон ва жамоанинг ўзаро боғлиқлиги, таъсири билан танишиши керак [4].

Шу билан бирга талабалар овозни уйғотиш учун машқлар бажаришади. Мусиқали театр актёрлари учун овоз муҳим ҳисобланади. Овозни ишламасдан туриб ижро қилиб бўлмайди. Сабаби овоз хасталаниши, хреп тушиши мумкин.

Хулоса ўрнида мусиқали драма курслари билан ишлашда мутахассис педагогларнинг зиммасига катта маъсулиятни юклайди. Яхши актёр тарбиялаш учун ёш ўқитувчилар касб сирларини мукамал ўрганиши, уни курсларда қўллаш ва адабиёт мутолаасини талабаларга сингдириш муҳим.

**ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES**

1. К.С. Станиславский. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010 йил. Қайта нашр.
2. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. – Тошкент: Фан ва технология, 2012.
3. Уснатов Р. Муסיқали театр актёрини тарбиялаш усуллари Т.: 2008
4. Холмирзаев Б. Миллий жанр: талаб ва таклиф // Театр. – Тошкент, 2005. – № 4.

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-3

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-3

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)